

7. Хожаниязов Г. «Едиге» дәстанындағы тарийхый - археологиялық орынлар. -Қарақалпақ халық дәстаны «Едиге»ни изерт-леу мәселелери (Халықаралық илимий - теориялық конференция тезислери.). - Нөкис, 5-6-сентябрь 2001.
8. Жандарбек З. Иасауна жолы және қазақ қоғамы. - Алматы: «Ел - шежире», 2006.
9. Жирмунский В.М. Тюркский героический эпос. -М.: «Наука» Л.О., 1974, -С. 364.
10. Ибн Арабшах. Амир Темур тарихи. -Тошкент: «Меҳнат», 1992.
11. Идегэй. -Казан: ТКН, 1989, 20-6.
12. Иванов П.П. Очерки истории каракалпаков. // Материалы по истории каракалпаков / Сборник, Труды Института Востоковедения АН СССР, т.VII.-М.Л.: изд-во, АН СССР, 1935, с.33-35. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. - М.Л.: изд-во, АН СССР, 1950. -С.127.
13. Иванин М. Икки буюк саркарда. Чингизхон ва Амир Темур. Тошкент: «Фан», 1994.
14. Камалов С. Каракалпақлардың халық болып қәлиплесиуи хәм оның мәмлекетшилигиниң тарийхынан. -Нөкис, 2001.
15. Камалов С. «Едиге» дәстаны хәм тарийх./ Халық аралық конференция тезислери. -Нөкис: 2001.
16. Қоныратбаев Ә. Қазақ эпосы және түркология. -Алматы: «Ғылым», 1987.
17. Кочекаев А.Б. Ногайско-русские отношение в XV-XVIII в. -Алма-ата: «Наука» Каз ССР. 1988.
18. Қыдырниязов М.Ш. Алтын Орда дәуіріндегі Түслик Арал бойы мәдениаты. Нөкис: «Қарақалпақстан», 1993.
19. Ногайдың кырк баытири. Эдиге. Ногай халқ дестанлары.-Махачкала: 1991.
20. Сарыбаев Қ. Әмир Темірдің түслик Арал бойы халықлары тарийхында тутқан орны. // «Қарақалпақстан муғаллими», 1998, № 3-4.
21. Сафарғалиев М.Г. Распад Золотой Орды // Учен. Зап. Мордовского гос. Ун.-та.-Саранск, 1960 с.-Вып. 11. С.226.; Кочекаев Б.Э.Б. Ногайско-русские отношения в XI-XVIII вв.-Алма-Ата: «Наука» КР, 1988.
22. Трепавлов В.В. История Ногайской Орды. -М.: Изд-ская фирма «Восточная литература» РАН, 2001.
23. Уалиханов Ч. Сочинения. // Зап.РГО, т. XXIX. СПб., 1904.

РЕЗЮМЕ

Мақолада достоншунослик, хусусан, Едигешуносликда ечимини кутиб турган нихоятда зарур масалаларнинг бири, достон қахрамони Едигенинг авлод-аждоди, этник келиб чиқиши, қайси қавм, этнос, халқ, миллатта тегишли эканлиги ҳақидаги масала тарихий-фольклорик материалларни солиштириб таҳлил этиш орқали кенг фикр билдирган ва унинг қорақалпоқ халқининг мангит уруғининг Оқмангит бўлақчасидан эканлиги ҳақидаги илгоридан илида мавжуд бўлган фикрлар атрофлича далиланган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящается актуальному вопросу в изучении эпосов, и в частности эпоса «Едиге» исследованию предков, этнического происхождения, племени и рода, этноса, принадлежности к нации главного героя дастана-Едиге на основе сопоставительного анализа историко-фольклорных материалов. Ещё раз доказывается и подтверждается мнение о том, он по происхождению из рода мангит, ветви ак мангит.

SUMMARY

The article is devoted to one of the actual issues in the study of eposes-the investigation of off-springs, ethnic origin, tribe and clan, ethnos, nation of the leading hero of the epos «Edige»-Edige on the basis of the comparative analysis of historical-folklore materials. The authors of the article tries to prove and confirm the opinion that Edige belonged to the clan Mangit, its branch –Ak Mangit.

«АЛПОМИШ» ДОСТОНИ ЎЗБЕК - ҚОРАҚАЛПОҚ ВЕРСИЯЛАРИДА БОШ ҚАХРАМОН ШАЖАРАСИ ВА «ҚҰНҒИРОТ» ЭТНОНИМИ ТАЛҚИНИ

Н.Г.Алламбергенова - ассистент ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтини

Таянч сўзлар: достон, версия, вариант, шажара, этноним, бош қахрамон.

Ключевые слова: эпос, версия, вариант, родословное дерево, этноним, главный герой.

Key words: epic poem, version, option, family tree, ethnonym, the main character.

Инсоният тамаддуни, хусусан, туркий халқларда ажойиб ҳилқат- инсон моҳияти, унинг шу кунги ижтимоий-иктисодий макъъи, маънавий-ахлоқий тутим ва сажияси билангина ўлчанмайди. Балки бунда ўша шахс аждоди – ота-боболарининг жамиятда тутган ўрни, хулқ-атворларига хос белги, хусусиятларига диққат қаратилади. Халқ орасидаги “Онасини кўриб, кизини ол, отасини кўриб, боласини баҳола”, “Олма меваси олма дарахти остига тушади”, “Арик ўз дарёсидан сув олади”, “Қийишқ мўридан эгри тутун” каби мақол ва маталлар бежиз ярилмаган. Ушбу қараш қадимий оғзаки ижод намуналарида, хусусан, “Алпомиш” достонидида ҳам ўзига хос инъикосини топган.

“Алпомиш”нинг Фозил Йўлдош ўғли варианты шундай бошланади: “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруғ Қўнғирот элида Добонбий деган ўтди, Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тагин икки ўғил пайдо бўлди: каттаконининг отини Бойбўри қўйди, кичкинасининг отини Бойсари қўйди. Бойбўри билан Бойсари – иккови катта бўлди. Бойсари бой эди, Бойбўри эса, шой эди, бул иккови ҳам фарзандсиз бўлди” [1:67]. Гувоҳи бўлапмизки, достоннинг биринчи хатбошисида асардаги бош қахрамонлар ҳақида эмас, балки уларнинг якин ажодлари хусусида маълумот бермоқда.

Нима учун? Юкорида таъкидлаганимиздек, ажодлар Бойбўри, Бойсари, Ҳақимбек, Барчин, Қалдирғоч ва Ёдгорбек ҳақидаги маълумотлар юқини оширмоқ учун. Эътибор қаратайлик: ...Добонбий –

Алпинбий – Бойбўри, Бойсари, – Ҳақимбек – Ёдгорбек... Мушоҳадага озгина эрк берсак, санаб ўтилаётган силсила Ҳақимбекнинг алп бўлиб етишуви тасодифий ҳодиса эмас, балки тақдир томонидан белгиланганини кўраимиз. Яъни шажарада ҳар иккинчи авлод алп бўлиб ўтганлиги қайд этилмоқда. Ёдгорбекдан яна алп дунёга келиши мумкин... Диққатга лойиқки, матнда Добонбий ва Алпинбий ота-бола ҳаётлари улардан туғилган фарзандлар номларини санаш билангина чекланилади. Бу билан тилга олиналган кишилар ҳаётида силсила тақдирида ўзгариш ясагудек жиддий воқеа рўй бермаганлигига ишора қилинмоқда. Аммо исмларига қўшилаётган қарлуқ-чигил ва ўғиз лаҳжаларидаги “бек” маъносини берадиган “бий” қўшимчаси уларнинг ҳам ўз қабила-уруғларида нуфузли кишилар бўлганлигидан дарак беради.

Достоннинг Муҳаммад Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Эргаш Жуманбулбул ўғли тилидан ёзиб олинган вариантларида асарнинг бош қахрамонлари шажараси ҳақида маълумот берилмай, “қирқ минг уйли Қўнғирот”га ҳукмдорлик этган шахслар силсиласи берилди: “Қирқ минг уйли Қўнғиротда Қулқорабек деган ўтди, ундан сўнг Жўлқора ўтди, Жўлқоранинг ўғли Бойназарбекка навбат келди, Қўнғиротга бек бўлди. Бойназар ўлди-да, юрт беъга қолди. Ўн тўрт куда келди, саккиз чорҳоким келди. Икки ёнбошида ўтирадиган вазирлари келди, чап оталиқ, ўнг оталиқ беклар келди, Ҳазрати Хизр келди, давлат келди, юртни

кидириб етти каландар келди, Худодан амр бўлди, Бойбўрига юртнинг шохлиги қолди» [2:24].

Шу ўринда барча вариантларда мавжуд бўлган «қўнғирот» атамасига тўхталиб ўтиш лозим. Негаки, мазкур эпик атама уруғ номи бўлиб, дostonдаги бош қахрамонлар шажараси билан турли даражада боғлиқ саналади. Қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, ва қирғиз халқлари таркибида мавжуд бўлган «қўнғирот» этник қатлами – уруғига нисбатан қўлланиладиган ушбу атама элшунос ва фольклоршунос олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Улар орасида ўзбек фольклоршунослигининг асосчиларидан бири Ҳоди Зариф талқини эътиборга лойиқдир: «Алпомиш»даги «қўнғирот» терминининг этимологияси мўғулча эмас, балки маҳаллий асосга эга бўлиши мумкин... Бу термин бизнинг фикримизча, уч сўздан ташкил топган: қўн – ғир – от. Биринчи сўз «қўн» – «қўй» сўзининг қадимий шакли бўлиб, айна замонда қабиланинг номи. Иккинчи «ғир» – кўк, чопоғон маъносида, учинчиси – от маъносидадир.

Бизнинг бундай тахмин қилишимизга қуйидаги нарсалар сабаб бўлди.

Биринчи, қўнғирот уруғининг вужудга келиши ҳақидаги ривоятлар баъзи жиҳатдан «Алпомиш» эпосини ташкил қилувчи сюжет қисмлари ва эпизодлари билан алоқадордир...

Иккинчидан, афсоналарга қараганда, қабил а номи қўнғир от сўзидан олинган. Бу афсона Сурхондарё ва Амударё этакларида яшовчи ўзбек, қорқалпоқ ва қозоқ қўнғиротлари ўртасида кенг тарқалгандир...

«Қўн» қачонлардир уруғ номи бўлганлигини айрим тарихий маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Масалан, «Жоме ул ҳикоят ва ломе ул ривоят» асарида «қўн» сўзи келтирилиб, «Хоразмшоҳлар шу уруғдан бўлган» деб ёзилган. Бу нарса Амударё бўйлари, Орол денгизи атрофлари ва Дашти қипчоқнинг муайян қисмларида, яъни «Алпомиш»нинг ватани деб тахмин қилган жойларимизда Мўғуллар Ўрта Осиёга келгунга қадар «қўн» деган қабил а яшаган деб тахмин қилишимизга имкон беради. «Алпомиш» эпосида айтилишига қараганда, Алпомишнинг ўзи қўнғиротлардан, қанжигали қўнғиротлардан бўлган. Дарҳақиқат, ўзбек қўнғирот уруғи ичида қанжигали уруғи ҳам бордир. Бу уруғга «оқ қўйли», «қора қўйли» ва бошқа аймоқлар ҳам қиради.

Юқоридагилардан қўриниб турибдики, «Алпомиш» эпоси яратилган даврда «қўнғирот» термини мўғул сўзи бўлмай, балки маҳаллий халқнинг ижтимоий ҳаёти жараёнида шаклланган, маҳаллий асосга эга бўлган сўздир. Буни «қўнғирот» сўзининг иккинчи ва учинчи компонентлари ҳам тўла равишда тасдиқлайди. Терминнинг иккинчи компоненти «ғир» сўзи турлитуман маъноларни англатади. Унинг биринчи маъноси – «тез». Туркманчада «оқ ғир» «тезоқар» маъносида қўлланилади. Бошқа бир маъноси «қулранг», «оқ-қора», «кўкиш», «кўк». «От» сўзи билан қўшилиб, «чопқир от», «чопоғон» маъноларини беради. Дostonларда Ғўрўғли отининг номи «Ғирот», «Ғирқўк». Демак, «ғир» ҳам ранг-тусни, ҳам ҳаракат даражасини билдиради» [3:28].

Ушбу талқин қай даражада жиддий ва асослидек қўринмасин, унда илгари сурилган фикрларнинг барчасига қўшилиб бўлмайди. Аввало шуни таъкидлаш керакки, халқ озгаки ижоди намуналари муайян халқ томонидан, аниқроғи, халқ ижроچиси – бахши, жировлар томонидан яратилади. Ушбу ижро санъати билан боғлиқ касб усталари эса, халқ орасидан чиққанлиги сабабли, бирор атама ишлатиш керак бўлса, биринчи навбатда халқ тилига таяниб иш қўради. Шундай экан, нима сабабдан оддийгина «қўнғирот» атамасининг маъносини аниқлаш учун қадимги туркий тилга тегишли манбаларга мурожаат қиламиз. Қачонки, унинг маъно моҳияти кундай равшан, «қўнғир» ва «от» сўзлари бирикмасидан ясалганлиги қўриниб турса.

Юқоридаги парчадан келтириб чиқарилган натижа – «қўн», «ғир» ва «от» сўзларидан таркиб топган деган фикр ҳақиқатдан жуда ҳам йироқ ҳулосадир. Негаки, ҳар қандай, жўғрофий, табиий, этник ва ҳатто инсон номлари ҳам халқнинг неча асрлар давомида истемолда бўлган лексик жамғармасидан олинади. Бунинг исботи – «қўнғирот» атамасининг маъно-мазмун қорақалпоқ мумтоз адабиёти асосчиси Бердақ Ғарғабай ўғлининг «Шажара» асарида жуда содда ва ишонарли талқин топган. Майкибийнинг қўнғир от минган боласи:

«Қырк адам болып жәм болды,

Қоңыр атлы жигит ким болды,

Шул торы атыны **қоңыр ат** деди,

Шундын **Қоңырат** болған екен» [4:13].

Демак, атама икки сўздангина: «қўнғир» – рангний англатувчи сифат ва «от» ҳайвон номини билдирувчи от сўз туркуми қўшилишидан ҳосил бўлган лексемадир. Қорақалпоқ, қозоқ ва қирғиз тилларида «қўнғир» сўзининг «қўнғир» шаклига эгаллиги, мустақил икки лексемага айлантирилганида ҳеч қандай маъно касб этмаслиги, яъни «қў» ва «ңир» қўринишга эга бўлиши, бўғинларга бўлиниши ҳам «қўн» ва «ғир» сўзларидан ташкил топмагани бу ўринда бизнинг фикрларимизнинг ҳақиқатга қанчалар яқин эканлигини далиллайди.

Мазкур дostonнинг ўзбек тилидаги вариантлари барчаси асар бош қахрамонлари «қўнғирот» уруғига мансублиги, Бойбўри ва Бойсари бир ота-онадан туғилган, яъни ака-ука эканлиги ҳақида маълумот билан бошланади.

Дostonнинг саккизта қорақалпоқ версиялари орасида учтаси – Хўжамберди жиров Ниязов, Есемурат жиров Нурабиллаев, Қияс жиров Қайратдиновлар тилидан ёзиб олинган вариантларда ушбу қахрамонлар «ирғакли» уруғидан, тўрттаси – Карам жиров Нағимов, Арзимбет жиров, Тангирберген жиров Тўраниязов, Жийемурат жиров Бекмуҳаммедов вариантларида «қўнғирот», биттаси–Қурбанбой жиров Тажибаев вариантда Бойбўри «ойдинли», Бойсари эса, «ербилек» уруғлари вакили сифатида талқин қилинади.

Юқорида уқдирганимиздек, дostonнинг ўзбек версиясини ташкил этувчи барча вариантларида Бойбўри ва Бойсари ака-ука саналади. Шунга қарамай, улардан туғилган Ҳакимбек ва Барчиной туғилмасиданоқ бир-бирига унаштирилиб, бешиккерт қилинади, вояга етгач оила қуришади. «Алпомиш»нинг Берди бахши Пиримқул ўғли тилидан ёзиб олинган вариантыда Ҳакимбек ва Барчининг нафақат оталари, балки оналари ҳам жуда яқин қариндош – опа-сингил, Равшанбойнинг қизлари Кунтуғал ва Минтуғаллардир. Маълумки, ушбу ҳолат бутунги кун маиший-ахлоқий, тиббий қараш ва муносабатларга бутунлай зиддир. Негаки, яқин қариндошлар орасидаги никоҳ туғилажак авлоднинг жисмоний ва руҳий саломатлигига жиддий раҳна соладиган ижтимоий омилдир.

Асарнинг қорақалпоқ версияси вариантларида айна ушбу бир-бирига қуд бўлмиш қахрамонлар ака-ука эмас, қарашлари, машғулоти бири хил қалин дўст бўлганликлари акс эттирилади. Буларнинг ўзaro қуданда бўлишларига монелик қилувчи ҳеч қандай тўсик йўқдек. Аммо дostonнинг учта вариантыда қахрамонлар мансуб бўлган уруғ «ирғакли», тўрттасида «қўнғирот», фақат биттасида Бойбўри «ойдинли», Бойсари «ербилек» уруғи вакили эди, дейилади. Демак, бу ерда ҳам яқин қариндошлар орасидаги никоҳ масаласи мавжуд. Ҳозиргача уруғ-аймоқ анъана-тушунчалар сақланиб қолган қипчоқ тармоғига мансуб туркий миллатлар (қозоқ, қорақалпоқ, қирғизлар)да уруғдош ёшлар орасидаги никоҳ қораланади. Таъкидлаш жоизки, худди шу халқлар анъанасига қўра, ирсий занжир халқлари етти халқдан узоқлашгач, қудандачилик муносабатларида кишилар никоҳига

монълик қилинмайди. Қорақалпоқ вариантларида қўнғирот қўнғирот билан, ирғақли ирғақли билан қуданда бўлишига сабаб мана шу қараш самараси бўлса керак.

Эътироф этиш керакки, қипчоқ туркийлари орасида

кенг тарқалган яқин қариндошлар орасидаги никоҳга йўл қўймаслик анъанаси кишилиқ жамияти таракқиётининг доимий долзарб бўлган масаласидирки, шунинг учун ҳам ушбу ақида тобора кўпроқ мамлакатлар оила кодекси таркибига амал қилиниши шарт бўлган модда сифатида татбиқ қилинмоқда.

Адабиётлар

1. «Алпомиш». -Т.: “Фан”, 1999.
2. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 4-жилд, «Алпомиш», -Т.: Ғ.Ғулом. 2015.
3. Зариф Ҳ. «Алпомиш эпосининг асосий мотивлари»//«Алпомиш» – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. -Т.: “Фан”, 1999.
4. Бердақ. «Шежире». –Нөкис: «Қарақалпақтан», 1993.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбек ва қорақалпоқ халқлари оғзаки ижодининг ёрқин намуналари саналган “Алпомиш” достони вариантларида бош қаҳрамон мансуб бўлган “қўнғирот” этноними таҳлили келтирилади.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируется этноним «Кунград» использованный в отношении главного героя в различных вариантах эпоса «Алпамыш», который является одним из лучших образцов в устном народном творчестве узбекского и каракалпакского народов.

SUMMARY

The article is devoted to the analysis of the ethnonym “Kungrad” related to the main character, in different variants of the epos “Alpamish” that is considered to be one of the best works of Uzbek and Karakalpak folklore.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ЎЗБЕК ДРАМАТУРГИЯСИДА АМИР ТЕМУР ОБРАЗИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНИ

В.А.Ахмедова - тадқиқотчи

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: драма, трагедия, шеърый драма, эртақ-песа, трагизм, конфликт, кульминация, монолог, диалог, рамз.

Ключевые слова: драма, трагедия, лирическая драма, сказка-песа, трагизм, конфликт, кульминация, монолог, диалог, символ.

Key words: drama, tragedy, lyrical drama, fairy tale-play, conflict, tragizm, culmination, monologue, dialogue, symbol.

Ўзбекистоннинг миллий истиқлолга эришуви мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ислохотлар амалга оширилишига кенг йўл очибгина қолмай, халқнинг моддий-маънавий турмушини, азалий қадриятларни қайта ўзлаштиришга бўлган илмий-маърифий муносабатини ҳам тубдан янгиледи. Инсонга эътибор, маънавий меросларга эҳтиромли муносабат ва уларни ижодий ўзлаштириш, миллий ўзлиқни англашнинг энг муҳим омили эканлиги теран англаб етилди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15 февралдаги **ПФ-4956-сон** “Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармонида ҳам аҳолининг кенг қатламлари орасида маънавий-ахлоқий камолот ва соғлом турмуш тарзига интилишни қучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Шахс маънавий-ахлоқий камолоти ҳақидаги давлат сиёсатини акс эттирувчи ушбу фармонда: “*Аҳолининг маданий ва эстетик эҳтиёжларини янада тўлароқ қондириш, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва бошқа санъат турларини ривожлантиришга, халқимиз тарихи ва бугунги ҳаётининг энг ёрқин саҳифаларини, мамлакатимизнинг эркин демократик таракқиётини акс эттирувчи асарлар яратиш*” [1:1] га даъват этилди.

Бундай тарихий-ҳуқуқий асослар истиқлол даври ўзбек миллий драматургиясида тарихий қаҳрамонлик, тарихий-фалсафий, маърифий-тарихий йўналишда ҳамда замонавий мавзуларда кўплаб миллий асарлар пайдо бўлишига имкон яратди. Халқимиз ўтмишининг энг нузли саҳифаларини белгиланган улуг аллома ва мутафаккирлар, адибу шоир, саркарда ва давлат арбоблари ҳақида ўнлаб тарихий пьесалар ёзилди. Шунга қарамадан, драматургияда Амир Темур образи яратилиши ҳақида сўз кетганида инглиз драматурги Кристофер Марлонинг “Буюк Темур” драмаси (1587-1588) ҳамон бот-бот тилга олинади. Зотан, бу асар яратилган йилларидаёқ Лондон театрларида саҳналаштирилган ва 1961 йилда рус тилига, 1989 йилда эса, мутаржим Маъруф Жалил томонидан ўзбек тилига ўғирилган эди. Немис адабиётида И.В.Гёте, инглиз адабиётида Ж.Байрон, рус адабиётида А.И.Бунин, озарбайжон адабиётида драматург Ҳ.Жовид ва бошқалар айнан Кристофер Марло асаридан

таъсириланишган. Адабиётшунослигимизда бу ҳақда илк илмий кузатувлар ҳам амалга оширилди [10:87]. Шунингдек, Ҳ.Кароматовнинг номзодлик иши ҳам ““Соҳибқирон Темур” фожиаси манбаалари аслияти ва ўзбекча ўғирмаси” мавзусида эди.

Кейинги йиллар ўзбек адабиётида Соҳибқирон Амир Темур образини яратишга бўлган интилишларни XX асрнинг 80-йилларида адабий ҳаётимизга кириб келган Кристофер Марлонинг “*Буюк Темур*” драмаси билан боғлашга интилиш – буюк бобомиз шахсиятини улугловчи катта-кичик асарларнинг барчасини К.Марло драмаси таъсирига боғлашга уринишлар кузатилмоқда. Албатта, жаҳон адабиётида юзага келган бу фожианинг адабиётимизга, бадий-эстетик тафаккуримизга муайян даражада таъсири бўлганлиги шубҳасиз. Бироқ мазкур мавзуда юзага келган асарлар *биринчи навбатда* истиқлол даври берган улкан имконлар, *иккинчидан*, ҳар бир ижодкорнинг ички интилиш ва ҳаётий кузатишлари, *учинчидан*, адабий-маънавий эҳтиёж туфайли юзага келди. Қолаверса, ўзбек адабиёти, хусусан драматургиясидаги тарихий мавзудаги турфа асарлар тажрибасидан тўпланган ютуқлар уларнинг юзага келишида кучли асос вазифасини ўтади.

Аслида, жадид драматурги А.Фитратнинг “*Темур сағанаси*” трагедияси ана шу йўсиндаги эзгу ишларнинг илк дебочаси бўлган эди. Шубҳасиз, бу фожианинг айрим парчалари проф. Б.Ҳайитнинг айрим асарлари орқалигина бизгача етиб келган [14:92]. Эътиборли жиҳати шундаки, мазкур узундининг чорлов ва мурожаат оҳангидаёқ ғоятда кучли трагик пафос акс этган. Зотан, Амир Темур миллатга мурожаат қилар экан, уни мамлакат ва халқнинг олдинги шаён-шавкати, ор-номуси, эрк ва озодлиги учун курашга даъват этади. Фитратнинг “*Юрт қайғуси*” сочмаларида ҳам буюк соҳибқирон Амир Темурга мурожаат этилади, унинг порлоқ руҳи билан ҳасратлашилади:

“Эй улуг Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир?! Нечук кунларга қолдинг? Эй чингизларнинг, темурларнинг, ўғулларнинг оилаларининг шонли болалари! Қани учқларинг, юксак ўринларинг! Қуллик чуқурларига недан тушдинг! [9:86].

Афсуски, А.Фитрат “реакцион-романтик драматург” (Ҳ.Олимжон, 1936), “ўтмиш